O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил 22 февраль ЧОРШАНБА

№ 15 (11.818)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

Изчил ислоҳотлар йўлида

ИМКОНИЯТ ВА УНИНГ САМАРАСИ

Оҳангарондаги «Эйвалекмахсустемирбетон» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси ўтган йилни 4.623 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш билан якунлади. Жумладан, буюртмачиларга 185 минг 841 дона темирбетон шпал етказиб берилди. Улар янги бунёд этилаётган «Тошгузар — Бойсун — Кумкўрғон» темир йўл қурилишига жўнатилди. Бундан ташқари 84 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Бу олдинги йилдагига нисбатан икки баробар кўпрокдир. Айни вақтда аҳолига сал кам ўн миллион сўмлик коммунал хизмат кўрсатилди.

Албатта, бундай натижага осонлик билан эришилгани йўқ. Йил давомида қўплаб муаммоларни ечиш, нуқсонларни бартараф этишга тўғри келди. Айниқса, йилнинг биринчи ярми қийинчиликда кечди. Корхоналар банкротлиги ва санацияси бўйича ҳукумат комиссияси берган ёрдам ишни анча ўнглашни таъминлади. Комиссия томонидан тасдиқланган алоҳида тадбирларга мувофиқ йилнинг иккинчи ярмида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси жамиятга катта ҳажмда иқтисодий ёрдам кўрсатди. У ажратган маблағ эвазига ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштиришга қаратилган техник тадбирлар амалга оширилди. Шпал ишлаб чиқариш тизимида қўшимча технологик линия ўрнатилди. Айни вақтда ишлаб турган шундай линияларни таъмирлашга жами 682 миллион сўм берилди. Бундан ташқари корхонанинг анча эскириб қолган бетон қориш тармоғини таъмирлашда сал кам тўрт юз миллион сўм сармоя ўзлаштирилди. Тадбирларда 1,2 миллиард сўм ҳажмида узоқ муддатли кредит шаклидаги қўшимча инвестицияни жалб қилиш ва тош майдалаш, саралаш заводини қайта қуриш назарда тутилган эди. Бугунги кунгача 800 миллион сўм миқдорида кредит расмийлаштирилди ва унинг бешдан бир қисми олинди. Бу маблағ янги ускуналар ва эҳтиёт қисмлар сотиб олишга сарфланди.

Айни вақтда ишлаб чиқариш майдонларидан самарали фойдаланишга ҳам ҳаракат қилинмоқда. Кейинги вақтларда буюртма бўлмаганлиги учун деярли ишламай қўйган қувур цехининг фаолият йўналиши ўзгартирилиб, халқ истеъмоли буюмлари тайёрлашга ихтисослашган шўъба корхонаси барпо этилди. Эндиликда истеъмол бозорида талаб етарли бўлган турли темирбетон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Ҳукумат комиссияси тасдиқлаган тадбирлар асосида корхона ишлаб чиқаришдан

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати бешинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси 2006 йил 24 февраль куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2006 йил 23 февраль куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

Вилоят ҳокимлигида

ТАҲЛИЛ ЧУҚУР ВА КЕСКИН БЎЛДИ

Шу йилнинг 10 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида 2005 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишлари муҳокама қилинган эди. Вилоят ҳокимлигида ана шу мажлисда белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.
Йиғилишни вилоят ҳокими Мирзамашраб Куччиев бошқарди.

Республиканинг тегишли вазирлик ва идоралари раҳбарлари, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ ва котибиятлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, бошқармалар ва банкларнинг раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган ушбу анжуманда ўтган йили вилоятда кўпчилик макроиқтисодий кўрсаткичлар анча ошириб бажарилгани таъкидланди. Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати 3 фоизни, инфляция даражаси 7,1 фоизни ташкил этди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 9,9 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 4,2 фоиз ўсди. Ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни модернизация қилиш натижасида вилоятда экспорт ҳажми 10 фоиз кўтарилди. Кичик тадбиркорликнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 26,6 фоизга етди.

Лекин фаоллар йиғилишида асосий эътибор ишдаги камчилик ва нуқсонлар таҳлилига, уларни бартараф этиш имкониятларини излаб топишга қаратилди. Иншоотларни хусусийлаштириш, аҳолининг бандлигини ошириш, кичик бизнес, фермерлик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш жараёнларидаги нуқсонлар кескин танқид қилинди. Кўплаб йирик корхоналар ва тармоқларнинг молиявий аҳволи жиддий иш олиб боришни талаб қилади.

Вилоятда саноат ишлаб чиқаришини барқарор тус олдириш, мавжуд қувватлардан фойдаланиш, янги замонавий технологияларга асосланган ишлаб чиқаришлар, айниқса, кичик ва хусусий корхоналарни барпо этиш масалалари билан жиддий ва изчил шуғулланилмаётир.

Фермер хўжаликларига яратиб берилаётган имкониятларга қарамасдан уларнинг фаолиятида ҳануз жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Сервиз хизматини ташкил этиш, кредит маблағлари билан таъминлаш жараёнларида таъмагирликларга ҳамон барҳам берилмаётир. Хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда саноатнинг тўқимачилик, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларини ривожлантиришга эътибор ҳийла суст. Бир қатор қўшма корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланилмаётир.

Йиғилишда банкларнинг фаолияти қаттиқ танқид қилинди. Улардаги кредит бериш амалиёти хўжалик юритувчи субъектлар, кичик бизнес, фермерлик ва хусусий тадбиркорлик намоёндаларида ҳақли эътирозлар туғдиряпти.

Уй-жой-коммунал хўжалигидаги ислоҳотларни амалга ошириш, уй-жойларни таъмирлашда рақобат муҳитини яратишдаги сусткашлик алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Фаоллар йиғилишида 2006 йилда вилоятда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари аниқ белгиланган қарор қабул қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА

«Ўзметкомбинат» очиқ акциядорлик бирлашмасининг автоматлаштириш ва механизациялаштириш лабораторияси Германия технологияси ёрдамида комбинатнинг асосий ишлаб чиқариш цехларидаги техник ускуналарни таъмирлаш учун 10 турдан ортиқ қисмларни ўзида тайёрлаб беради.

Январь ойида бу ерда 30 миллион сўмликка яқин иш бажарилди. Эришилаётган ютуқларда етакчи муҳандислойиҳаловчи М. Ҳалилов, электрмонтёр Б. Эгамқулов, чилангар-йиғувчи Э. Рамазонов, электргаз пайвандловчи П. Васильев каби касб эгаларининг хизматлари катта. Жамоа аъзолари Наврўз айёми шарафига давом этаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида ҳам фаол иштирок этишиб, Бекободнинг янада обод ва кўркам бўлишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА.
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Фармон ва ижро

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамиятида асосий ишлаб чиқариш билан бирга ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ва кенг истеъмол буюмлари тайёрлашни кўпайтириш борасида бой тажриба орттирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони корхона маъмуриятига аҳолининг иш билан банд бўлмаган қисмини фойдали меҳнатга жалб қилиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш имконини бермоқда.

«Тошкент ҳақиқати» муҳбири Жўра Саъдуллаев корхона техника бўлимининг мудири, техника фанлари номзоди Мирахмад Холматовга мурожаат қилиб, шу соҳадаги дастлабки саъй-ҳаракатлар ҳақида гапириб беришни сўради.

— Мазкур Фармоннинг аҳоли турмуш даражасини оширишдаги аҳамияти ниҳоятда катта, — деди Мирахмад Маҳамадович. — Унда кўзда тутилган мақсад ва вазифалар жамиятда ижтимоий ҳимоялашнинг дастурий йўналишларини янада кенгайтириб, амалий тус олдиради. Фармон меҳнатга яроқли, лекин муайян сабаб билан уйда ўтириб қолган кишиларнинг тўлақонли бандлигини таъминлашнинг ҳуқуқий ва молиявий имкониятларини очмоқда.

Фармон эълон қилингач, биз шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўлими, «Маҳалла» жамғармаси билан биргаликда бундан келиб чиқадиган долзарб вазифаларни амалга оширишда корхонамиз иштирокига доир дастур ишлаб чиқдик. Унда аҳолининг иш билан банд бўлмаган қисмини касаначилик асосидаги ишлаб чиқаришга жалб қилишнинг етти йўналиши бўйича аниқ вазифалар белгилаб қўйилди. Чунончи, биз касаначилик йўли билан турли маҳсулотларни қадоқлаш учун фойдаланиладиган пакетлар тайёрлашни йўлга қўяётирмиз. Бунинг учун уй шароитида меҳнат қилувчи кишиларни хом ашё, турли ишлаб чиқариш воситалари билан таъминламоқдамиз.

Касаначилик асосида чойшаб, кўрпа-ёстиқ ғилофлари тикишни ҳам йўлга қўймоқдамиз. Бундай иш билан уйда шуғулланишни истовчилар кўп. Фақат уларни зарур ип ва газлама билан узлуксиз таъминлаб туриш, тайёр маҳсулотлар сотилишини ташкил этиш керак.

Биз дастурда турли кўриниш ва катталиқдаги қоплама плиталар тайёрлашни ҳам кўзда тутганмиз. Бу йил 20 минг квадрат метр шундай маҳсулот ишлаб чиқариб, сотишни мўлжаллаганмиз. Бунинг учун уй шароитида меҳнатнинг шу тури билан шуғулланиш хоҳишини билдираётган касаначилар билан шартнома муносабатларини бошлаётирмиз.

Касаначиликни ривожлантириш билан боғлиқ истиқболли йўналиш уй шароитида юмшоқ ўйинчоқлар тикиш ва ясашни йўлга қўйишдан иборат. Бунинг учун маҳалла оқсоқоллари билан бамаслаҳат қобилиятли, ижодкор одамларни аниқлаб, улар билан шартнома тузяяпмиз.

Ҳеч шубҳасиз, касаначилик ҳам жамият учун, ҳам ҳар бир оила учун ниҳоятда аҳамиятли бўлиб, давлатимизнинг иқтисодий салоҳиятини кўтаради, — деди пировардида суҳбатдошимиз. — Биз бу ҳаракатни кенг қулоч ёйдириш учун корхонамизда мавжуд бўлган барча имкониятларни тобора тўла ишга солаверамиз.

Партиялар ҳаётидан

Ўзбекистон ишбилармонлар ва тадбиркорлар ҳаракати — Либерал демократик партияси вилоят кенгаши «Хотин-қизларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий-интеллектуал савиясини оширишда партиянинг мақсад ва вазифалари» мавзусида ўқув-машғулот ўтказди.

ЖАМИЯТИМИЗДА АЁЛЛАР ЎРНИ

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия фаоллари, сиёсатшунослар, мутахассислар, тадбиркорлар, фермерлар ҳамда ишбилармон аёллар иштирок этишди.

Йиғилишда партиянинг хотин-қизлар фаолиятига қаратилган дастурий вазифаларини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан аниқ таклифлар берилиб, аёлларнинг ҳуқуқий, маънавий-маърифий, диний, ижтимоий-сиёсий, маданият ва спорт соҳаларидаги эҳтиёжларини ўрганиш, уларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш юзасидан тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва ижросини назорат қилиб бориш хусусида келишиб олинди.

Раъно ХОЛИҚОВА.

ТАРИХ — КЕЛАЖАК КЎЗГУСИ

Юқоричирчиқ туманидаги 9-умумтаълим мактабида ўқувчиларнинг билим савиясини ҳамда фанга бўлган қизиқишларини ошириш мақсадида «Тарих — келажак кўзгуси» кўрик-танлови ташкил этилди.

Қизғин беллашув остида ўтган танловда 8-«а» синф ўқувчилари биринчи, 8-«б» ва 8-«в» синф ўқувчилари иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

Ғолибларга эсдалик совғалар топширилди.

Ўз мухбиримиз.

СУРАТДА: Чиноз туманидаги кўрик-танлов ғолиби фермер Муқим Эргашев.
Даврон АҲМАД олган сурат.

«Ташаббус — 2006»

НАВБАТ ИККИНЧИ БОСҚИЧГА

Вилоят шаҳар ва туманларида Президент соврини учун «Ташаббус — 2006» кўрик-танловининг биринчи босқичи тугади. Бу муҳим тадбирда қатнашаётган фермерлар, тадбиркорлар ва ҳунармандлар ўзлари ишлаб чиқараётган саноат ва етиштираётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, кўрсатаётган хизматлари ва ҳунармандчилик буюмлари намуналарини намойиш этдилар.

Ангренда ўтган танловда тадбиркор ва ҳунармандлар ўз маҳсулотлари билан халқаро ярмаркаларда иштирок этганликлари, истеъмол бозорини тўлдиришга ёрдам бераётганликлари, янги иш ўринларини яратиш йўлидаги ишлари ҳақида тўхталдилар. Кўрик-танлов натижаларига кўра «Барака устоз» хусусий фирмаси раҳбари Раҳмон Давлатов «Энг яхши тадбиркор», ҳунарманд Олег Шлентов «Энг

(Давоми 2-бетда).

КУНЛАР ҒАНИМАТ, РАҲБАРЛАР ЭСА ХОТИРЖАМ...

Баҳор эшиқ қоқмоқда. Шуни ҳисобга олиб, ҳозирги ғанимат кунларда ариқ-зовурларни тез ва сифатли тозалаб олиш зарур. Негаки, бу муҳим тадбир чўзилиб кетса, дала ишларида тиғизлик вужудга келади.

Буни тўғри тушунган Чиноз туманидаги аксарият ширкат ва фермер хўжаликларда ички ариқ-зовурларни тозалаш жадал суръатларда олиб борилмоқда. Жумладан, «Гулзоробод» ширкат хўжалигида режадаги 23 километрли ички ариқлар қўл кучи билан тўлиқ тозалаб қўйилди. Собиқ Амир Темур номли ширкат хўжалиги ҳудудида ҳам бу иш ниҳоясига етмоқда.

Бироқ, имкониятлар етарли бўлишига қарамай, баъзи ширкат ва фермер хўжаликларида суғориш шахобчаларини тозалаш пайсалга солинмоқда. Масалан, собиқ Охунбобоев номли ҳамда «Ўзбекистон» ширкат хўжаликлари ҳудудида бу вазифа эндигина 18-19 фоиз бажарилган, холос. Ҳолбуки, ҳудудда ишчи кучи етарли, фақат ташкилотчилик етишмаяпти.

Шаҳноза НАЗАРОВА.

2006 йил учун обуна давом этмоқда
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси — 205.

Экология ва саломатлик кунлари

12 МИНГ КИШИ ҚАТНАШДИ

Бўкада Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан экология ва саломатлик кунлари доирасида ўтказилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги тадбирлари кун сайин авж олмоқда.

Ҳашарларда шу кунгача салкам 12 минг киши иштирок этди. Махсус тузилган тадбирлар дастурига мувофиқ унда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари, уйжой мулкдорлари ширкатлари, корхона, ташкилот, муассаса ва хўжаликлар фаол қатнашмоқда. Бугунги кунгача 10 гектар майдон тозаланиб, тартибга солинди. 2,3 километр узунликдаги ариқ ва зовурлар тозаланди. 4 та зиёратгоҳ ва қабристоннинг қиёфаси янгича кўринишга келтирилди. Ҳар йили бўлганидек, боғу хиёбонларга, кўча ва йўл ёқаларига 600 туп манзарали ҳамда 1200 туп мевали дарахт кўчатлари экилди. Қорасув — Бекобод йўналишининг 33-35 километр йўлига 200 туп арча кўчатлари ўтказилган бўлса, 47-48 километр қисмига 300 туп терак экиш учун жойлар тахт қилиб қўйилди.

Ҳашарда Бўка йўл хўжалиги таъмирлаш ва фойдаланиш корхонаси, пахта тозалаш заводи, газлаштириш идораси, машина-трактор саройи ҳамда агросервис коллежи каби жамоалар иштирокида 1 миллион 200 минг сўмлик иш бажарилди.

Ҳурриият МЎМИНОВА.

Самарали мулоқотлар

Кўпни кўрган, ҳаётнинг пасту баландини биладиган, катта ҳаётий тажриба ва юксак малакага эга кишилар фаолияти ёш авлод учун ҳамиша муносиб мактаб вазифасини ўтаб келган.

ФАХРИЙЛАР ИБРАТИ

Вилоят ички ишлар бошқармаси фахрийлар кенгаши узоқ йиллар тизимда самарали меҳнат қилиб, ортидан нурли из қолдирган юзлаб касб фидойиларини ўзида бирлаштириб, уларнинг бой тажрибаларини ёшлар фаолиятига сингдиришга қаратилган ибратли тадбирларни амалга оширмоқда. Хусусан, фаол фахрийларнинг бир гуруҳи ҳар ойда икки марта вилоятимиз туман ва шаҳарларидаги милиция бўлимлари шахсий таркиби билан учрашув-мулоқот уюштириб, ўзига хос «маърифат соатлари»ни ўтказаётир. Ана шундай самимий учрашувларнинг навбатдагиси Юқоричирчиқ тумани ички ишлар бўлимида бўлиб ўтди.

— Бундай учрашувлар қўламини тобора кенгайтириб бориш мақсадидамиз, — дейди вилоят ИИБ шахсий таркиб билан ишлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Меҳмонхўжа Собиров. — Фахрийларимизнинг ҳар бири катта тажриба, малакага эга, узоқ йиллар бошқарув тизимларида самарали хизмат қилган инсонлар. Бундай тадбирларда ёш ходимлар касбга оид сир-синоатлар, бурч ва масъулият ҳиссидан сабоқ олиш билан бирга ибратли хотиралардан ҳам воқиф бўлиб бормоқдалар. Ходимларнинг ишга бўлган масъулиятини ошириш, ўзаро тартиб-интизомни сақлашда бу каби тадбирларнинг аҳамияти катта. Қолаверса, шу тариқа жойларда осойишталик, қонунийликни барқарорлаштириш, жиноятларни очиш ва ҳуқуқбузарликларга чек қўйишда фахрийларимиз ҳам ўз улушларини қўшмоқдалар.

Шахсий таркиб билан бўлган мулоқот, суҳбат-мунозаралар самимий, қизғин руҳда ўтди. Фахрийлар кенгаши раиси Анвар Мадаминов ҳамда узоқ йиллар вилоят ички ишлар бошқармасида турли раҳбарлик лавозимларида ишлаб, пенсияга чиққан Тоҳир Маҳкамов, Фатхулла Раҳимбердиев, Қаҳрамон Назаров, Турсунбой Иброҳимов ва бошқалар ўз хотиралари, фаолиятларидаги эсда қоларли, ибратли воқеалар, устозларидан олган сабоқлари ҳақида тўлқинланиб гапириб бердилар.

Шахсий таркиб вакиллари ҳам ўз навбатида, хайрли вазифа ва муқаддас бурч олдида собит туриб, бу йўлда бор маҳорат, куч-матонатларини сафарбар этажакларини таъкидладилар.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТДА: *учрашув-мулоқотдан лавҳа.*

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Бугуннинг гапи

ТАСОДИФЛАР БЎЛМАГАНИ ДУРУСТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида таъкидлаб ўтилганидек, тошқин, сел оқимлари ва кўчкиларнинг олдини олиш, уларнинг оқибатларини тезкорлик билан бартараф этиш ва муҳофаза ишлари самарадорлигини ошириш кўзда тутилган.

Энг муҳими, табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, аҳоли соғлигини ва ҳаётини муҳофаза қилиш, моддий ва маънавий бойликларни сақлаб қолиш, сел, сув тошқини, кўчки хавфи мавжуд бўлган жойлардан одамларни кўчириш, табиий офат содир бўлган тақдирда унинг асоратларини бартараф этиш ва зарарини камайтиришга асосий эътибор қаратилмоқда. Кўкламги сув тошқинлари ва сел оқимлари хавфининг олдини олиш мақсадида вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги, туман ҳокимликлари, тегишли идоралар билан ҳамкорликда қатор эҳтиёт чоралари кўрилмоқда. Фавқулодда вазиятларнинг оқибатларини бартараф этувчи куч ва воситаларни текшириб кўриш ҳамда раҳбар ходимларда бундай ҳолатларда ҳаракат қилиш кўникмасини шакллантириш, хавфли ҳудудларда жойлашган хўжаликларни кўчириш масалаларида раҳбарлар масъулиятини ошириш мақсадида мунтазам текширувлар ва машғулотлар олиб борилмоқда.

Гидромет, Геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитаси вакиллари билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Ҳаво йўллари» авиакомпаниясига қарашли МИ-8 вертолёти ёрдамида вилоятнинг тоғли ва тоғолди ҳудудларидаги қор заҳираларини аниқлаш ва геологик, гидрометериологик вазиятни кузатиш мақсадида, Бўстонлиқ, Паркент ҳамда Оҳангарон туманлари йўналиши бўйича аэровизуал назорат тадбирлари амалга оширилмоқда. Бўстонлиқ туманининг юқори тоғли ҳудудларида жойлашган – ёриб чиқиш хавфи мавжуд бўлган Юқори Ихнач, Қуйи Ихнач қўллари, Пском дарёси, Чотқол-Қурама тоғ тизмалари, Қамчиқ довони автомобиль йўлининг вилоят қисми, Оҳангарон дарёсининг ҳолатлари ўрганиб чиқилди.

Сел ва сув тошқинлари, кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш мақсадида вилоят ички ишлар бошқармаси билан ҳамкорликда Ангрен шаҳри ва Бўстонлиқ туманида олтитадан, Оҳангарон туманида 5 та, Паркентда 4 та, Чиноз ва Пскент туманида биттадан, жами 23 та вақтинчалик кузатув постлари ташкил этилди. «Тошкент-телеком» очиқ акциядорлик жамияти томонидан хавфли ҳудудлардаги аҳоли алоқа воситалари билан таъминланди. «Тошвилтранс» акциядорлик уюшмаси дарё ва сойлар қирғоқларини мустаҳкамлаш учун транспорт воситалари ажратди.

Хавфли геологик жараёнларни кузатиш хизмати кўчки ва сел оқими эҳтимоли мавжуд бўлган ҳудудларда яшовчи ҳар бир хонадонни такроран текшириб, тегишли ҳокимликлар, ташкилот, корхона раҳбарлари ва уй эгаларига кўрсатмалар берилди.

Хавфли ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳолини табиий офатлардан барвақт огоҳ этиш ҳамда тушунтириш ишларини олиб боришда маҳалла қўмиталарининг имкониятларидан тобора кенг фойдаланилмоқда.

Энг муҳими, вақтинчалик ва доимий яшаш жойларига кўчирилган аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишни шунингдек, бу жойларда санитария-эпидемиология назоратини таъминлаш, фавқулодда вазиятлар юзага келиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда дори-дармон, санитария-гигиена ва эпидемияга қарши воситалар заҳирасини етарли даражада таъминлашни ташкил этиш масаласи қарорда ўз аксини топган.

Азамат СУЮНОВ.

«Ташаббус – 2006»

НАВБАТ ИККИНЧИ БОСҚИЧГА

яхши ҳунарманд» номини олишга сазовор бўлдилар. Ғолиблар танловнинг вилоят босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Бекобод туманида ўтказилган кўрик-танловда «Кварк плюс» хусусий корхонаси раҳбари А. Восидов тадбиркорлик йўналиши бўйича ғолиб бўлди. «А. Жабборов» фермер хўжалиги бошлиғи А. Жабборов «Энг яхши фермер», А. Бобохонов «Энг яхши ҳунарманд» номини олдилар.

Чиноз туманида бўлиб ўтган шундай тадбирда «Муқимий» фермер хўжалиги раҳбари Муқим Эргашев фермерлар беллашувида ғолиб келган бўлса, «Ниагара» яхна ичимликлар корхонаси фаолияти тадбиркорлик тузилмалари ўртасида энг юқори баҳога сазовор бўлди. Ҳунарманд Хожинисо Тўлаганова «Энг яхши ҳунарманд» номини олишга эришди.

«Ташаббус – 2006» кўрик-танловлари вилоятимизнинг қолган барча шаҳар ва туманларида ҳам ўтказилди. Шундай қилиб, танловнинг биринчи босқичи якунланди. Навбатдаги вилоят босқичи 3 март куни Чирчиқдаги Кимёгарлар маданият саройида бўлиб ўтади.

Даврон АҲМЕДОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТЛАРДА: *Бекобод туманида бўлиб ўтган «Ташаббус – 2006» кўрик-танловидан лавҳалар.*

Ҳусанбой АВВАЛОВ олган суратлар.

МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК

Бекобод шаҳрининг 10-умумтаълим мактабида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, халқ таълими бўлими ҳамда болалар ижодиёти маркази ҳамкорлигида «Биз ягона оиламиз» мавзусида тадбир ўтказилди.

Шаҳардаги 17 та умумтаълим мактаблари жамоалари бешта шарт бўйича ўзаро баҳслашишди. Ёшлар орасида дўстлик, тотувлик, уларда бошқа миллат урф-одатларига ҳурматни шакллантириш мақсадида ташкил этилган бу тадбирда 13-умумтаълим мактабининг «Россия» жамоаси биринчи ўринга муносиб деб топилди.

Тадбир сўнгида ғолиб жамоага совғалар топширилди.

Мўмин ИБОДОВ.

(Давоми. Боши 1-бетда).

СОҒЛИҒИМИЗГА ЎЗИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, инсон саломатлигига салбий таъсир этаётган атроф-муҳит омилларининг 30 фоизи сувнинг, 40 фоизи атмосфера ҳавосининг ифлосланишига тўғри келаётир.

Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан «Экосан» халқаро ташкилоти ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорликда вилоят ўсма касалликлар диспансерида ўказган учрашувда ҳам шу борада сўз юритилди.

Учрашувда таъкидланишича, 2005 йилда хавфли ўсма касалликлари айниқса, Чирчиқ, Янгийўл ва Олмалиқ шаҳарларида кўпроқ қайд этилган. Шу сабабдан онкологик ва бошқа касалликларнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш учун атроф-муҳит муҳофазасига йўналтирилган чора-тадбирларни янада кучайтириш, аҳоли ўз саломатлигига ўзи масъул бўлиши катта аҳамият касб этишига урғу берилди.

Хуршида МЎМИНОВА.

Мониторинг натижалари

Ўтган 2005 йилда тадбиркорлик субъектлари, кичик бизнес ва хусусий мулк эгалари учун кенг имтиёз ва имкониятлар эшигини очиб беришга қаратилган қатор Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари эълон қилинди. Ушбу ҳужжатларнинг амалиётга татбиқ этилиши тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштиришга замин яратиш билан бирга, уларнинг фаолиятига назорат қилувчи органларнинг асоссиз аралашувининг олди олинди.

ТАРТИБДАН БЕХАБАРЛАР

— Эълон қилинган бу Фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш юзасидан амалий чора-тадбирлар дастурини бажариш ҳамда Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ва текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисидаги Низом» талабларига риоя қилиниши бўйича тузилган жадвалга асосан мониторинг ўтказилди, — дейди вилоят Адлия бошқармасининг тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Бахтиёр Турғунов. — Ушбу тадбир вилоятимизнинг Ангрен, Бекобод, Оҳангарон, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарлари ҳамда Бекобод, Бўстонлиқ, Оҳангарон, Паркент, Тошкент, Юқоричирчиқ туманлари ҳудудларидаги 301 та хўжалик юритувчи субъектларда олиб борилди.

Мониторинг ўтказиш давомида 108 та қонунбузилиши ҳолатлари қайд этилди. Яъни, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан «Текширишларни рўйхатга олиш китоби»га тегишли ёзувлар қайд этилмаганлиги, шундан 45 та ҳолатда ушбу китоб умуман тўлдирилмаганлиги, 45 вазиятда тўлиқ тўлдирилмаганлиги ҳамда 18 та ҳолатда тадбиркор томонидан текширишга эътироз билдирилганлиги аниқланган. Ўрганиш давомида хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларига ва масъул ходимларга китобни тўлдириш бўйича тушунтиришлар берилди. Қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 33 та тақдимномалар киритилиб, тегишли идораларга юборилди. Натижада 54 мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилган бўлиб, шундан 44 нафарига хайфсан эълон қилинди, 10 нафар ходим эса, жаримага тортилди. Қонун бузилишларга асосан шаҳар ва туманларда жойлашган банк филиаллари, давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, ёнғин хавфсизлиги бўлимлари, давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан йўл қўйилмоқда.

Масалан, вилоят Давлат солиқ бошқармасининг ходимлари Ангрен шаҳридаги «Шаҳло» хусусий фирмасига қарашли дорихонада текшириш ўтказишган. Текширишда давомида савдодан тушган 47 минг 945 сўм пул назорат касса машинасига киритилмаганлиги аниқланиб, Ангрен шаҳар солиқ идораси бошлиғининг қарори билан Президентнинг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига зид равишда фирмага энг кам ойлик иш ҳақининг юз баробари миқдорида, яъни 940 минг сўм жарима қўлланилган ҳамда ундирилган. Фирма раҳбари Қ. Азимованинг солиқчилар ҳаракатидан норози кайфиятда битган аризасини бошқарма ўрганиб чиқиб, шаҳар солиқ инспекциясига тақдимнома киритди. Бу ердаги солиқчиларнинг хатти-ҳаракатлари кишини ўйлантириб қўяди. Наҳотки, улар ушбу Фармон ва қарорлар, ўрнатилган талабларнинг бош ижрочиси, тарғиботчиси эканликларини унутиб қўйишган бўлишса?! Фармонда келтирилган молиявий санкцияларни қўллаш ваколати 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб, фақат суд идораларига берилганлиги ҳақидаги банд айнан улар учун тегишли эканлигини билишмайди чоғи.

Оҳангарон тумани ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими ходими А. Ўринбоев, «Миллий банк»нинг Бекобод филиали ходими Э. Холбековлар томонидан амалга оширилган қонунбузарликларни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. А. Ўринбоев «Мақсад» хусусий фирмасида ҳамда И. Холбеков эса «Саноаттехмонтаж» корхонасида текширув ишларини амалга оширишган. Текширув олдидан «Текширишларни рўйхатга олиш китоби»ни тўлдириш гўёки уларнинг хаёлига келмаган.

Оҳангарон шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ходимлари Ф. Холбоев, Э. Нормирзаев, А. Лим ҳамда Г. Муратовалар «Одил холис хизмат», «Элит бар», «Оҳангарон шифобахш» номли хусусий фирмаларда ҳамда «Оҳангарон деҳқон бозори» масъулияти чекланган жамиятида текшириш ўтказишган. Мониторинг давомида улар томонидан Низомнинг 3-банди бузилганлиги, яъни китобга текширувчи ходимлар гувоҳномаларининг рақамлари ёзилмасдан, тўлиқ тўлдирилмаганлиги аниқланган.

Бу каби мисолларни яна кўплаб келтиришимиз мумкин. Бу билан кимнидир ёмон отлиқ қилишдан йироқмиз. Лекин ана шу мансабдор шахсларнинг, текширувчиларнинг ишга совуққонлик билан муносабатда бўлишлари, тартиб-қоидага риоя қилмасликлари кўплаб тадбиркорларимизнинг сарсонгарчилик ва оворагарчиликларига сабаб бўлмоқда. Энг ачинарлиси, улардан айримларининг эскича ишлаш услубидан воз кечишлари қийин бўлаётганидир. Нима бўлганда ҳам биз аввало, қонун устуворлигини таъминлашимиз даркор.

Хуршида НАЗАРОВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Изчил ислоҳотлар йўлида

ИМКОНИЯТ ВА УНИНГ САМАРАСИ

ташқари турли мақсадлар учун сарфланадиган харажатлардан ҳалос қилинди. Чунончи, Эйвалек шаҳарчасидаги жамоага қарашли уй-жой фондини ширкат хўжалиги балансига ўтказиш назарда тутилган эди. Бу фондни таъмирлаш учун 38 миллион сўм маблағ сарфланди ва ширкат ихтиёрига берилди. Шунингдек, Эйвалек шаҳарчасини электр қуввати билан таъминлаш учун қурилган электр узатиш қурилмалари «Ўзэнерго» давлат акциядорлик компанияси балансига киритилди. Корхона билан шаҳарчани боғловчи автойўл «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси ихтиёрига ўтказилди.

Корхонани иқтисодий соғломлаштириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ишлаб чиқариш харажатларини қисқартиришга, маҳсулот таннархини арзонлаштиришга, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот ҳажми ва турини кўпайтиришга хизмат қилмоқда. Ўтган йили лозим даражадаги қаттиқликка эга бўлган пўлат сим таъминотидаги узилишлар оқибатида темир-бетон шпаллари тайёрлаш икки ярим ой давомида тўхтаб қолди. Натижада 50 мингта шундай муҳим маҳсулот ишлаб чиқарилмади. «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси раҳбарлиги кўрган чоралар туфайли бундай сим таъминоти узлуксиз йўлга қўйилди. Бу билан йилнинг тўртинчи чорагида шпал ишлаб чиқариш барқарорлашди.

Ҳозир корхонада 764 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Ҳар бир ишловчи ҳисобига меҳнат унумдорлигини пулга чаққанда 6 миллион 51 минг сўмга етди. Ишчиларнинг ўртача иш ҳақлари бир йил давомида икки баробар кўпайиб, 96 минг сўмга етди.

Барқарор ишлаётган корхона бу йил темир-бетон шпаллари ишлаб чиқаришни 300 минг донага етказишни режалаштирди. Бу «Ўзбекистон темир йўллари» компаниясининг йўл хўжалиги бошқармаси буюртмасини тўла уддалаш билан бирга 50 мингта шпални экспорт қилиш имконини беради.

Режа тўла амалга ошса, ишлаб чиқариш ҳажми амалдаги нархларда яна 3,8 миллиард сўмга ошади ва 8,4 миллиард сўмга етади. Ўсиш суръати эса 82 фоизни ташкил этади. Халқ истеъмоли буюмлари тайёрлаш, аҳолига пулли хизмат кўрсатиш эса ўтган йилдагидан кўпаяди.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ТЕКСТ ИЗМЕНЕНИЙ

Внесенные изменения на основании приказа Госкомимущества Республики Узбекистан от 29 августа 2005 г. № 87к-ПО в проспект эмиссии 4 марта 1999 г. № LO202 II раздел 1-5 п. и проспект эмиссии 18 апреля 2003 г. № LO202 III раздел 38п, зарегистрированные Центром по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг, открытого акционерного общества «EYVALEK MAXSUS TEMIR BETON», Республика Узбекистан, Ташкентская область, Ахангаранский район, посёлок Эйвалек

ИЗМЕНЕНИЯ, ВНОСИМЫЕ В ПРОСПЕКТ ЭМИССИИ 4 МАРТА 1999 г. № LO202 II РАЗДЕЛ 1-5 п.

СТАРАЯ РЕДАКЦИЯ	к-во	доля%
Госкомимущество РУз.	42047	25
Свободная продажа	77535	46,1
Иностранный инвестор	42047	25
Коллективная доля	6559	3,9

НОВАЯ РЕДАКЦИЯ	к-во	доля%
Госкомимущество РУз.	85776	51
Свободная продажа	75853	45,1
Коллективная доля	6559	3,9

ИЗМЕНЕНИЯ, ВНОСИМЫЕ В ПРОСПЕКТ ЭМИССИИ 18 апреля 2003 г. № LO202 III РАЗДЕЛ 38 п.

СТАРАЯ РЕДАКЦИЯ	к-во	доля%
Госкомимущество РУз.	5715	25
Свободная продажа	17147	75

НОВАЯ РЕДАКЦИЯ	к-во	доля%
Госкомимущество РУз.	11660	51
Свободная продажа	11202	49

УЛОВИНГ СОЗ БЎЛСА,

ташвишинг оз бўлур

Агар рақамларга эътибор берилса, бугунги кунда автотранспорт ҳодисаларининг 10-15 фоизи уларнинг носозлиги оқибатида келиб чиқаётганлиги яққол кўринади. Кўпчилик транспорт эгаларининг бу масалага бефарқ қарашлари, уловларини ўз вақтида техник кўрикдан ўтказмасликлари аксарият ҳолатларда бахтсиз ҳодисалар билан якунланмоқда. Айрим ҳайдовчилар, ҳатто, техник кўрик меъёрлари, унинг қонун-қоидаларини билмасликлари текширувлар давомида маълум бўлиб қолмоқда. Хўш, автомобилларнинг созлиги билан боғлиқ меъёрлар, техник кўрикдан кўзланган мақсад, унинг аҳамияти нималардан иборат? Транспортларни кўрикдан ўтказиш қоидалари қандай? Вилоят ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи Асадулла Ҳамидуллаев билан шу мавзуда суҳбатлашдик.

— Давлатимиз автомобилларни вақтида техник кўрикдан ўтказиб туриш масаласига жиддий эътибор беради, — дейди А. Ҳамидуллаев. — Бу жараён меъёрий ҳужжатлар билан қонунийлаштирилган. Хусусан, кўрикдан ўтказиш Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низомини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори ва Ички ишлар вазирининг буйруғи ҳамда вилоят ҳокимининг фармойиши асосида амалга оширилади.

Транспортларни техник кўрикдан ўтказишдан мақсад аввало, атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш, қолаверса, техник носозлик билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишдир.

— Автомобиль техник кўрикдан ўтказилаётганда асосан нималарга эътибор қаратилади?

— Бу жараёнда аввало, транспорт воситаларининг техник ҳолати жиддий кўздан кечирилади. Бирор нуқсон аниқланса, ҳайдовчидан уни бартараф этиш талаб қилинади. Транспортнинг ҳатто бирор ёритгич чироғи ҳам нозирлар эътиборидан четда қолмайди. Шунингдек, уловларнинг йўл ҳаракати хавфсизлиги андозаларига мослиги баҳоланади. Қолаверса, транспортга тегишли барча ҳужжатлар текширувдан ўтказилади. Шу талабларга тўла жавоб берган автомобиль техник соз ҳисобланиб, йўлда ҳаракатланишга рухсат этилади.

— Техник кўрикдан ўтишда ҳайдовчидан қандай ҳужжатлар талаб қилинади?

— Ҳайдовчининг паспорти ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат (ҳарбий хизматчиларнинг шахсий гувоҳномалари) ва тураржойидан маълумотнома бўлиши зарур. Шунингдек, хориж фуқароларидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги аккредитация карточкалари ва миллий паспортлари талаб этилади. Аккредитация карточкалари бўлмаган шахслар учун ИИВда рўйхатдан ўтганликлари ҳақида белги қўйилган миллий паспортлари ёки Ўзбекистон ҳудудида яшаш учун берилган рухсатнома лозим бўлади. Фуқаролиги бўлмаган кишилардан эса яшаш ҳуқуқини берувчи махсус рухсатнома талаб қилинади. Шу ҳужжатлар билан бирга ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлиши ва унинг тоифаси техник кўрикдан ўтаётган транспорт русумига мос келиши керак. Шунингдек, транспортнинг техник паспорти, ҳайдовчининг соғлиги тўғрисидаги маълумотнома ҳамда тўлов чиптаси ҳам техник кўрик нозирига топширилади.

— Техник кўрик учун тўлов ҳақида гапирдингиз, унинг миқдори қанча? Айрим ҳайдовчилар тўловдан қочиб, автомашиналарини техник кўрикдан ўтказмай юрадилар, деб эшитамиз.

— Фикрингизга қўшилмайман. Сиз айтаётган ҳайдовчилар техник кўрик учун тўловдан эмас, ўз машиналарини созлаш учун кетадиган пулдан қочадилар.

Техник кўрик учун тўлов энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисми миқдорида бўлади. Бу айни кунда 940 сўмга тўғри келади. Носоз деб топилган транспортлар учун такрорий кўрикда яна қайта ҳақ тўланади. Назаримда техник кўрик учун белгиланган бу нарх ҳеч кимга малол келмайди.

— Авваллари автомобиллар ҳар икки йилда техник кўрикдан ўтарди. Ҳозир бу муддат бир йилга қисқартирилган. Бунинг сабаби нима?

— Бунга сабаб уларнинг яроқлилик муддатининг ўтиб боришидир. Аммо, ишлаб чиқарилганига беш йилдан кўп бўлмаган транспорт воситалари ҳар икки йилда техник кўрикдан ўтказилиши қонунийлаштирилган. Қолаверса, автомобилларнинг тури ва шахс ёки ташкилотга тегишлилигига қараб техник кўрикдан ўтиш тартиби ва унинг муддатлари ҳам аниқ белгиланган. Тижорат асосида фойдаланиладиган енгил автомобиллар, шунингдек, автобуслар, троллейбус, трамвай ва ўриндиқлари сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган, йўловчиларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк транспортлари, оғир юклар учун мўлжалланган уловлар, йирик габаритли ва ўта оғир вазнли ҳамда хавфли юкларни ташиш автомобиллари ва уларга уланган тиркамалар бир йилда икки маротаба, яъни, 1 мартдан 30 июнгача ҳамда 1 сентябрдан 31 октябргача техник кўрикдан ўтказилади. Бундан ташқари хусусий корхона, ташкилот, фирмалар ва бошқа давлат муассасаларига қарашли енгил автотранспортлар йилда бир марта — 1 мартдан 30 июнгача, фуқароларнинг шахсий автоуловлари эса 1 январдан 31 августгача назоратдан ўтказилади.

Шуни таъкидлаш керакки, хусусий ёки давлат транспортини бошқаришидан қатъи назар ҳар бир ҳайдовчи тасарруфидаги техниканинг ҳар тарафлама созлиги аввало, ўзи учун, қолаверса, жамоат хавфсизлиги, атроф-муҳит тозалиги учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини тушунмоғи лозим.

«Тошкент ҳақиқати» мухбири Равшан ЁҚУБЖОНОВ суҳбатлашди.

СУРАТДА: ЙҲХБ нозири Фарҳод Мирзавалиев навбатдаги назорат вақтида.
Даврон АҲМАД олган сурат.

Қишлоқ мулкдорлари

УЗОҚНИ КЎЗЛАЯПМИЗ

Фермер бўлиш осон иш эмас. Ҳавас бошқа, ҳаракат бошқа. Деҳқон ишда озгина эътиборсизлик, сусткашлик қилса, бунинг жабрини бир йилгача тортади, ернинг умри ҳам беҳуда ўтади.

Деҳқон боласиман. Суягим деҳқончиликда қотган. Ҳаётимнинг асосий қисми далаларда ўтди. Орзуим бир парча ернинг эгаси бўлиб, ўз кучим, билимимни шу тариқа синаб кўриш эди. Ниятимга ҳам етдим. Учинчи йилдирки, фермер сифатида фаолият юритаяпман.

Деҳқончиликда йилдан йилнинг фарқи бўлади. Ҳар бир ишни ўз вақтида, маромида бажармасангиз ютқазасиз. Хўжалигимиздан келиб чиқиб айтсак, ўтган йил биз учун баракали келди. 10 гектар ернинг ярмига буғдой, ярмига пахта экдик. Механизаторларимиз Шерали Шаропов, сувчилар Ислом Жўраев, Нурали Шаропов, Ҳикмат Тойиров самарали меҳнат қилдилар. Асосий эътиборимиз ишнинг кўзини билиб, камроқ харажат билан кўпроқ фойда олишга қаратилди. Шу мақсадда ерни яхшилаб озиқлантиришга ҳаракат қилдик. 40 тонна маҳаллий ўғит жамғариб, экинларни шарбат усулида суғордик. Экин қатор ораларига ишлов беришда ҳам ўзимизга маъқул бўлган, деҳқончиликда синалган усуллардан фойдаландик.

Маълумки, дала ишларини техникасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Деҳқон елкасидаги деярли ҳамма юмушларни техника енгиллаштиради. Фақат ундан самарали, ўз ўрнида фойдалана билиш лозим. Бизда битта «МТЗ-80» трактори ва агротехник ишловларда фойдаланадиган тиркамаларнинг ҳаммаси бор.

Уста пахтакорларнинг эътироф этишларига кўра, ғўза иссиқсевар ўсимлик бўлиб, илдиз атрофларидаги тупроқ қизигани сайин экин ривожи яхшиланиб, ҳосил салмоғи ҳам ортиб бораверади. Шуни ҳисобга олиб, парвариш даврида ғўза қатор ораларига ишлов беришга эътиборни кучайтирамиз. Суғоришга ҳам кўпроқ аҳамият берамиз. Сабаби, сув чуқур юмшатилган ерга яхши сингса, намлик узоқ сақланади. Астойдил қилинган ҳаракатлар билан етиштирган буғдойимиз шартнома мажбуриятидан анча ортиб қолди. Уни ўзаро тақсимлаб олдик. 9 сентябрь, яъни бир кунда териб олган пахтамиз давлат буюртмасини 150 фоиз қилиб қоплади. Ҳосилдорлик 35 центнерга етди. Ҳамма пахтамиз биринчи навга қабул қилинди. Бир тонна пахтамиз учун 295 минг сўмдан пул олдик. Пахтадан 4 миллион, буғдойдан 1 миллион сўм соф фойда кўрдик.

Ҳозир мамлакатимизда фермерлар учун катта рағбат ва имтиёзлар берилаяпти. Юртбошимиз томонидан узоқни кўзлаб ер, мулк эгалари ва тадбиркорларни рағбатлантирувчи қатор Фармон ва қарорларнинг қабул қилиниши ва унда белгиланган вазифаларнинг изчил амалга оширилиши айни муддао бўлаяпти.

Биз бундан бениҳоя руҳланяпмиз ва келгуси фаолиятимизга катта ишонч ва манфаатдорлик назари билан қараяпмиз. Ўйлаймизки, кўзлаган марраларимиз бундан ҳам юксалиб бораверади.

Суюн ШАРОПОВ, Бўка туманидаги «Шароф бобо Тойир ўғли» фермер хўжалиги раҳбари.

УЧ ҚОЧОҚ

Юқоричирчиқ туманида январь ойи мобайнида содир этилган транспорт ҳодисаларининг учтасида айбдорларнинг воқеа жойидан қочиб кетиш ҳоллари қайд этилди.

Хусусан, янги йил кирган кеча туман ИИБга тушган тезкор хабарга кўра номаълум ҳайдовчи Бектемир-Ғазалкент йўлида кетаётиб, пиёда А. Тайлиевни уриб юборган ва воқеа жойидан ғойиб бўлган. Жабрланувчи эса шу ернинг ўзида вафот этган.

Шунингдек, 13 январь куни худди шу йўлнинг 4-чақиримида юқоричирчиқлик И. Ўтбосаровни унинг яқинлари қаттиқ жароҳат олган ҳолида топишди. Воқеани содир этган ҳайдовчи эса қочиб кетган. И. Ўтбосаров касалхонага олиб кетилаётган пайтда оламдан ўтган.

21 январь куни Янгибозор-Кавардон йўналишининг 3-чақиримида ҳам автоуловининг русуми аниқ бўлмаган номаълум ҳайдовчи Кавардон қишлоғида яшовчи Б. Ўтаевни уриб юборган ва ўзи ғойиб бўлган.

Ушбу ҳолатлар юзасидан қидирув ва суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Ҳабибулла ЮСУФЖОНОВ, вилоят ЙҲХБ қидирув ва суриштирув бўлими катта нозири.

Жиноятга жазо муқаррар

УЮШГАН ТЎДА ТУГАТИЛДИ

Тўрт ой мобайнида вилоятимиз шаҳар ва туманларида босқинчилик, талончилик, зўравонлик билан шуғулланиб келган ўта хавфли рецидивистларнинг уюшган жиноий гуруҳи қўлга олиниб, қилмишига яраша жазоланди.

Бу воқеалар ўтган йилнинг дастлабки кунларида бошланган эди. Илгари икки марта жиноят содир этиб, қамоқ жазосига ҳукм қилинган, лекин давлатимизнинг одилона суд-ҳуқуқ ислоҳотлари туфайли биринчи марта шартли равишда жазодан озод этилган, иккинчи маротаба эса қамоқ муддатининг ўталмаган қисми аҳлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилган Йигитали Сафаров ўз теварагига Шавкат Ашуров, Илҳомиддин Хайитметов, Дилшод Самандаров, Рустам Сейтхонов, Мадаминжон Абдиров, Маъруф Маҳамадиев сингари ўн тўрт собиқ жиноятчилар ёки жазо муддатини шартли равишда ўтаётган шахсларни бирлаштириб, уюшган жиноий гуруҳ тузди. У ўзига берилган жазонинг каттагина қисмини ўтащдан бўйин товлаб, бу жиноий гуруҳга бош бўлиб, фуқароларнинг молмулкларини кўп миқдорда ўғирлаш, енгил автомашиналарни олиб қочиш, хонадонларга бостириб кириш билан шуғуллана бошлади.

Гуруҳнинг дастлабки операцияси Қибрай тумани Матқобулов қишлоқ фуқаролар йиғини марказий кўчасида яшовчи Р. Дониёрованинг хонадонидан боқиб қўйилган буқани ўғирлаб чиқиб, қўшни Байтқўрғон қишлоғида арзонгаровга сотиб юбориш билан бошланди. Дастлабки муваффақиятли «ов»дан руҳланган жиноий гуруҳ энди каттароқ босқинчиликлар режасини туза бошлади. Йигитали Сафаров ёнига Ашуров ва Самандаровни олиб, Ангренда киракашлик билан шуғулланаётган А. Бегматовнинг «ВАЗ-2103» машинасига ўтиришди. Нуробод шаҳарчасига етганда, машинани тўхтатишни сўрашди, Сафаров ҳайдовчининг бўйнига камар ташлаб, бўға бошлади. Бироқ, ҳайдовчи бир амаллаб босқинчиларнинг қўлидан қочиб қутулди. Жиноятчилар машинани олиб қочиш чоғида автофалокат содир этиб, воқеа жойидан яширинишди.

Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас, Роҳат қўли ёнида «Тико» автомашинасига ўтирган босқинчилар Қибрайга яқинлашганларида ҳайдовчини бўғиб, ёнидаги пулларини олишган, у қўли боғлиқ ҳолда хилват жойга ташлаб кетилган.

Бундай босқинчилик ишлари хронологияси ниҳоятда тиғиз. Чунончи, 27 февралга ўтар кечаси босқинчилар Т. Қорабоевнинг хонадонига бостириб кириб, 800 АҚШ доллари, 12 минг сўм нақд пул, 2 миллион 85 минг сўмлик тилла тақинчоқларни зўравонлик билан тортиб олишган. Қимматбаҳо буюмларни Тошкентнинг Олой бозорида номаълум шахсларга сотиб юборишган.

Олмаликдаги Миришкор кўчасида яшовчи Х. Гасанов хонадонига уюштирилган навбатдаги босқинчилик ҳам ниҳоятда катта «ўлжа» келтирди. Тўда аъзоси Илҳомиддин Хайитметов Гасановнинг бойликлари ҳақида аниқ маълумотлар тўплагач, Йигитали Сафаров бу босқинчиликни жуда синчиклаб режалаштирди. Уни амалга оширишга И. Хайитметов, Ш. Ашуров, М. Абдиров, М. Маҳамадиев, Р. Сайтхоновлар жалб қилинди. Режага мувофиқ 12 мартга ўтар кечаси Абдиров Гасановнинг дарвозасини тақиллатди. Гасанов эшикни очиши билан олти нафар босқинчи унга ташланди. Уй эгасини уриб, тепкилаб, ичкарига судраб киришди. Гувоҳ Е. Данилованинг кейинчалик судда маълум қилишича, Гасанов ҳам, аёли ҳам қийноқларга чидай олмай, барча пул ва қимматбаҳо буюмларини босқинчиларга топширишган. Бу хонадондан олинган 505 минг сўм пул, 290 минг сўмлик бошқа буюмлар уларга камлик қилди. Яна куч ишлатиб, Гасанов хусусий дўконининг калитини тортиб олишди ва у ердан 890 минг сўмлик озиқ-овқат ва ичимликларни олиб кетишди.

Жиноятчи гуруҳ аъзолари 2005 йил январидан то 2005 йилнинг 1 майида узил-кесил қўлга олингунича, Ангрен, Олмалиқ, Чирчиқ, Оҳангарон шаҳарлари, Қибрай, Оҳангарон, Юқоричирчиқ туманларида 16 та катта босқинчиликлар қилишди. Улар куч ишлатиб, қурол билан таҳдид қилиб, фуқароларнинг автомашиналарини, қорамолларини, пул ва қимматбаҳо буюмларини тортиб олишарди.

Гуруҳнинг жиноятчилик ишлари тобора кенг қулоч ёйиб бориб, қўшни туманларда ҳам босқинчилик билан шуғуллана бошлади. Чунончи, 2005 йилнинг 1 апрелига ўтар кечаси улар Наманган вилоятининг Чортоқ туманидаги Тошқўрғон қишлоғида яшовчи Т. Ботировнинг хонадонига бостириб киришди. Илгаридан бу хонадонда тўпланган бойлик, улар уйининг қайси хоналарида сақланиши ҳақида аниқ маълумот тўплашди ва бу босқинчилик режасини алоҳида ёвузлик билан амалга оширишди. Жиноий тўда кечаси ховлига тушганида, итнинг безовталанишидан Т. Ботиров уйғониб, ташқарига чиқади. У жиноятчилар яшириниб турган жойга яқинлашиб, атрофни кўздан кечира бошлаганида Хайитметов уй эгасининг юз-кўзи аралаш муштлаб, ерга йиқитади. Дуч келган жойига уриб-тепиб, ошхона ёнига олиб боришади. Шу ерда унинг қўл-оёқларини боғлаб, юзини ерга қаратиб, дўппослаб туришганида, Т. Ботировнинг турмуш ўртоғи К. Аҳмедова ҳам олағовурдан уйғониб, ташқарига чиқиб қолади. Абдиров билан Сейтхонов аёлни уриб, тепкилаб, ундан пул, валюта ва тилла тақинчоқларни дарҳол топиб беришни талаб қилишади. К. Аҳмедова ўзига ва оила аъзоларига ортиқ зарар етказмасликлари учун темир қутида сақланаётган 3 миллион сўмни олиб, босқинчиларга топширади. Шундан кейин улар аёлнинг қўл-оёқларини боғлаб, оғзига рўмол тиқиб, устига кўрпа-кўрпачаларни ташлаб қўйишади. Шу аснода унинг қулоқларидаги 100 минг сўмлик зиракларини суғуриб олишади.

Хуллас, шу куни қароқчилар Т. Ботировнинг уйидан жами 3 миллион 120 минг сўм нақд пул, 400 минг сўмлик тилла тақинчоқлар ва 100 АҚШ долларини олиб, ғойиб бўлишади.

Лекин вилоятимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари олиб борган тезкор қидирув ишлари натижасида бу уюшган тўда 2005 йилнинг апрель ойи охиларида қўлга олинди. Тергов ҳийла мураккаб шароитларда, деярли олти ой давом этди. Чунки, жиноий тўда кўплаб босқинчилик қилишга улгурган, фуқароларга, фермер хўжаликларига жуда катта миқдорда моддий зиён етказган эди. Ҳолатларнинг ҳаммасини бирма-бир аниқлаш, содир этилган жиноятларнинг иштирокчилари ўз айбларига иқрор бўлишлари осон кечмади.

Ниҳоят, тергов тугатилиб, айблов хулосалари судга оширилди. Бу уюшган жиноятчилар гуруҳининг иши жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг ёпиқ мажлисида кўриб чиқилди. Қанчалик ҳийла-найранг ишлатишмасин, ёлғон-яшиқ гапларни айтишмасин, суд жараёнида барча жиноий ишлар бўйича ҳолатлар батафсил аниқланиб, судланувчиларнинг жиноятлари далиллар, экспертиза хулосалари, гувоҳларнинг маълумотлари асосида исботлаб берилди. Суд жиноий гуруҳнинг барча аъзоларини қонун асосида жазолади.

Чунончи, илгари ўталмаган жазо муддатларини қисман қўшиш ҳисобига Йигитали Сафаров 17 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Шавкат Ашуров, Илҳомиддин Хайитметов, Рустам Сейтхонов, Мадаминжон Абдиров ва бошқалар ҳам 16-17 йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилиндилар. Суд гуруҳнинг бошқа аъзоларига ҳам жиноий қилмишларига яраша жазо белгилади.

Кўриниб турибдики, жиноятчилар ўзлари содир этган босқинчилик ва зўравонликларнинг изини йўқотишга қанчалик уринишмасин, пировардида адолат ғаламба қозонди. Лекин, бир нарса кишини лол қолдиради. Бу катта жиноий гуруҳнинг иштирокчилари устидан олиб борилган тергов ва суд жараёнларида аниқланишича, жуда кўп фуқаролар босқинчилардан қорамоллар, тилла тақинчоқлар, уяли телефонлар, кийим-кечаклар ва бошқа қимматбаҳо буюмларни ортиқча мулоҳаза қилиб ўтирмасдан, арзонга сотиб олаверишган. Аксарият ҳолларда улар бу мол, тақинчоқ ёки буюмлар ўғирланганлигини аниқ билишса ҳам, жиноий гуруҳнинг кирдикорларини яширишган ва уларга ҳайбаракаллачилик қилишган деган хулосага келиш мумкин.

Қонун устувор бўлган мамлакатимизда каттадир-кичикдир, ҳеч бир жиноят жазосиз қолмайди. Енгил-елпи ҳаёт кечириш йўлига кирган, осонлик билан бойлик орттиришни ва бошқалар меҳнат билан топган даромадлар ҳисобига яшашни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган ҳар қандай жиноятчилар буни асло унутмасликлари керак. Суд-ҳуқуқ идораларининг ходимлари кенг жамоатчиликка суяниб, ҳар қандай босқинчилик, ўғрилик ёки бошқа кўринишдаги жиноятларни эртами-кечми очишларини, жиноятчилар, албатта, ўз қилмишларига яраша жазо олишларини ҳаёт кўрсатмоқда. Юқоридаги воқеа бунга бир мисол, холос.

Искандар УСМОНОВ, вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи, адлия маслаҳатчиси. Жўра САЪДУЛЛАЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Вилоят халқ таълими педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида «Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

МАВЗУ – ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Тадбирни республика «Маънавият ва маърифат» маркази, фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят филиали ҳамда институт жамоаси ҳамкорликда уюштирди.

Сўзга чиққанлар асосий эътиборни ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотларни ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда хотин-қизлар фаолиятини чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари каби долзарб мавзуларга қаратишди.

Йиғилиш сўнгида иштирокчилар мавзу доирасида ўзларини қизиқтираётган саволларга батафсил жавоб олишди.

Хуррият МЎМИНОВА.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Республика "Тасвирий ойина" ижодий уюшмасининг ўтган йил якунлари ва 2006 йилдаги режаларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Президентимиз Ислом Каримовнинг 2005 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири А. Орипов, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси бошқаруви раиси И. Латипов ва бошқалар давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган мазкур уюшма истиқлол йилларида эришган ютуқларимиз, юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари қўламини халқимиз, айниқса ёшлар онги ва қалбига тасвирий воситалар орқали таъсирчан тарзда сингдиришга ўз ҳиссасини қўшиб келаётганини таъкидлади.

Уюшма бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда мунтазам ўтказиб келаётган "Энг улуғ, энг азиз", "Конституция – бахтимиз пойдевори" каби кўрик-танловлар мавқеи тобора ортмоқда. Шу билан бирга, "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали, "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" республика спорт мусобақалари, аёллар спартакиадаси каби тадбирларда шаҳар ва туманлар, кўча ва хиёбонларни безашда "Тасвирий ойина" мутахассисларининг хизмати катта бўлди.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

«УРАЛ» ҲИНД ЗАМИНИДА

ҲИНДИСТОНда Россия билан ҳамкорликда «Урал» юк автомобиллари ишлаб чиқарувчи қўшма корхона очилди. Режага кўра, завод дастлаб йилига 7 минг машина ишлаб чиқаради. Аммо, муассислар бу билан кифояланмоқчи эмаслар. Атиги тўрт йил мобайнида маҳсулдорлик қўламини 70 мингтага етказиш назарда тутилмоқда. Автомобилларнинг аксариятини Ҳиндистон мудофаа вазирлиги харид қилиш ниятида.

ТАРИХДА ИЛК БОР

ДОҒИСТОН Республикасининг янги раҳбари этиб Муху Алиев сайланди. Унинг номзоди Владимир Путин томонидан тавсия этилиб, республика халқ йиғини қарори билан тасдиқланган. Алиев республиканинг биринчи президенти бўлди, зеро муқаддам Доғистондаги энг олий мансабдор шахс Давлат кенгаши раиси ҳисобланарди.

ХАВОТИРНИНГ БОИСИ

МЕКСИКА шимолидаги кўмир шахтасида рўй берган газ портлашидан сўнг, 65 нафар шахтёр қон харобалари остида қолди.

Улар орасида ҳалок бўлганлар ва жароҳатланганлар борйўқлиги номаълум. Қутқарувчилар ер остида қолганлар кислород танқислигидан азият чекишлари мумкинлигидан хавотирдалар. Кончилардаги ҳаво заҳираси олти соат ишлаш учун етарли эди, холос.

АНГЛАШИЛМОВЧИЛИК

ФИЛИППИНнинг Лейте оролида қидирув-халоскорлик ишлари билан машғул америкалик ҳарбийлар вакили 50 нафар мактаб ўқувчиси қутқарилгани ҳақидаги хабарни инкор этди.

Гап шундаки, улкан сел остида қолган оролда ишлаётган қутқарувчилар бир неча кун давомида ер остидан базўр эштилаётган овоз чиққан жойни қазиб, маҳаллий мактаб қолдиқлари остидан 50 кишини тирик топганлари ҳақида илгарироқ хабар берилганди. Икки қишлоқ вайроналарини кўздан кечираётган денгиз пиёдалари командири «Тирик қолганлар ҳақида ҳозирча бирор маълумот йўқ», дея эътироф этди.

САЁҲАТЧИ ФАЗОГИРЛАР УЧУН

АМЕРИКАнинг Space Adventures компанияси сайёҳлик суборбитал парвозларга мўлжалланган космодромларни Бирлашган Араб Амирликлари ва Сингапурда жойлаштирмоқчи. Янги учириш майдонларидан Россиянинг Explorer суборбитал кемаларини парвозга йўллаш назарда тутилаяпти. Бу кемалар Ansari X-Prize танлови муассислари маблағлари эвазига бунёд этилган.

ГАСТРОЛ – СИНОВ, ИМТИҲОН

Театр нафақат дам олиш маскани, балки одамлар, айниқса ёшлар тафаккури, дунёқарашини кенгайтириш, маънавиятини юксалтиришда улкан тарбиявий аҳамиятга эга даргоҳ ҳамдир.

Ёш авлод қалби ва онгида миллий истиқлол ғояларига садоқат, она-Ватанга муҳаббат, умумбашарий ва миллий анъаналаримизга ҳурмат туйғуларини сингдиришда театр санъатининг алоҳида ўрни бор. Шу боис Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан юртимизда санъатнинг барча турлари каби театр санъати равнақига, унинг ижодий янгиланиши ва жамоаларининг жаҳон саҳналарига чиқишига алоҳида эътибор қаратилаётир. Давлатимиз раҳбари томонидан 1998 йил 26 мартда қабул қилинган "Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида"ги Фармон муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлигидан ЎзА мухбирига маълум қилишларича, ўтган йил юртимиздаги деярли барча театр жамоаси учун муваффақиятли бўлди. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри, Ўзбек Миллий академик драма театри, Ўзбекистон Ёшлар театри, Республика Қўғирчоқ театри жамоалари ўз саҳна асарлари билан Россия, Туркия, Япония, Франция каби давлатларда, Болтиқбўйи республикаларида ижодий сафарда бўлди. Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали драма театри жамоасининг "Тўда" спектакли эса Миср Араб Республикасида ўтган XVII халқаро театр фестивалида бир йўла икки номинация – "Энг долзарб муаммони кўтаргани учун" ҳамда "Иқтидорли ижрочилар иштироки учун" йўналишлари бўйича совринли ўринларни қўлга киритди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

• Sport

Тошкент денгизида академик эшкак эшиш бўйича катталар ва ўсмирлар ўртасида ўтган Ўзбекистон чемпионати ва биринчилиги баҳсларида 56 спортчи ўзаро куч синашди.

ЭШКАКЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Эркаклар ўртасида барча медаллар сирдарёлик спортчиларга насиб этди. Унда Сергей Тян Ўзбекистон чемпиони бўлди. Кейинги ўринлар Сергей Багданов ва Руслан Наврўзалиевга насиб қилди. Аёллардан эса Тошкент вилояти вакилалари Зарина Ғаниева – олтин, Севара Ғаниева кумуш, сирдарёлик Наталья Краснова эса бронза медаль билан тақдирланди.

Ўсмирлар ўртасидаги беллашувлар ҳам кескин ва қизиқарли курашларга бой бўлди. Унда Самарқанд вилояти вакили Ярослав Ли барча рақибларини мағлубиятга учратди. Сирдарёлик Вячеслав Дитрих иккинчи, самарқандлик Бахтиёр Ҳабибов учинчи ўринни қўлга киритди.

ЎзА.

МАДАНИЯТ ХАЛҚЛАРНИ БИРЛАШТИРАДИ

Тошкент Давлат шарқшунослик институтида ўтказилган "Тил, маданият ва жамият тамаддунлар чорраҳасида" мавзуидаги халқаро анжуманда Марказий Осиё ва Япония давлатлари маданиятининг интеграция масалалари кўриб чиқилди.

Унда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Японияннинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда Марказий Осиё ҳудудидаги япон марказлари вакиллари иштирок этди.

Иштирокчиларнинг таъкидлашларича, маданият интеграцияси ҳамкорликни янада фаоллаштириш, ишбилармон доиралар ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Маълумки, ҳозирги вақтда мутахассислар ва оддий одамлар ўртасида умумий сўзлашув тилини белгилашга катта аҳамият берилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, лингвистика минтақавий интеграцияда етакчи ўринни эгаллайди. Бунда Япония ҳукумати томонидан япон тилини ўқитиш даражасини янада такомиллаштиришга катта аҳамият берилади.

Анжуман доирасида "Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг япон тили ва японшунослик хоналарини такомиллаштириш" лойиҳаси доирасида 87,3 минг доллар миқдоридаги грант-шартномаси имзоланди.

«Туркистон-пресс».

Баҳор эшик қоқади,
Сувлар жўшиб оқади.
Олам гуллар тақади —
Сен табассум қилганда.

Табассуминг бир ширин,
Унда кўклам яширин.
Айтолмадим бор сирим —
Сен табассум қилганда.

Ҳусанбой АВВАЛОВ сурат-лавҳаси.

Шундан кейин

РЎЙХАТИ ТАЙЁР

Карнеги институти мунажжимлари ҳаёт мавжуд бўлиши мумкин бўлган энг яқин ўнта юлдуз рўйхатини туздилар, деб хабар қилади New Scientist. Рўйхат экзосайёралар ҳақидаги маълумотларга асосланган ва ундан кўпроқ «қуёш» туридаги юлдузлар ўрин олган. Бундан ташқари, тузувчилар юлдузгача бўлган масофа ҳамда тахминий сайёралар ёшини ҳам назарда тутишган.

МАКТУБЛАР ОРАСИДА

Кент графлигининг Дувр шаҳридаги почта сараловчилари Испаниядан келган жўнатма ва хатлар орасида бешта нолегал муҳожирни топишди.

Эритреялик тўрт эркак ва бир қиз почта ортилган катта машина юкхонасида юзлаб километр йўлни босиб келишган экан. Мазкур машинадан олинган почта тозалашга, муҳожирлар эса кўмак марказига жўнатилди.

ИСТЕҲЗОЛАР МУЗЕЙИ

Лондондаги Британия музейи яқинида бугун ҳазиломуз расмларнинг илк музейи очилади.

Хронологик экспозиция кўҳна чизмалар билан бошланиб, Тони Блэр, Жорж Буш каби сиёсатчиларнинг сўнгги пайтдаги фаолиятларига киноялар муносабатлар билан якунланади.

БАЛИҚ ЗУРЁДИ ТУФАЙЛИ

Ёввойи табиатни муҳофаза қилиш умумжаҳон жамғармаси Туриндаги қишки олимпиада ўйинларида иштирок этаётган Россия делегациясини экологик битимларни бузишда айблади.

Хабар қилинишича, жамғарма норозилигига сабаб бўлган нарса Италияда уюштириладиган зиёфатлар учун спортчилар Россиядан олиб келган 25 килограмм осетра увилдириғи экан.

АСР ДАРДИ

БОЙКАСАЛ

УЧИНЧИ МАҚОЛА:

«ЁКИ... ЁКИ...»

Бугун дунё халқлари олдида инсонийликни, ўзликни сақлаб қолишнинг бир қатор йўналишлари бўйича «Ёки... Ёки...» деб бошланувчи муайян хулосаларга келиш лозимлиги ниҳоятда кескин тус олди. Бундай долзарб ва жиддий ҳолатлар, умуман, Ер юзида бирламчи табиийликни, биологик хилма-хилликни ва физиологик хосликни сақлаб қола олиш ёки барбод бериш хавфига бориб тақалади. Гиёҳвандлик онг, идрок, шуурни кемириб, фалаж қилиб, инсонни иродасиз бир мавжудотга айлантириб қўювчи, уларни барвақт барбод этувчи бошқа омилларнинг таҳдиди умумжаҳон табиий-иқлимий, экологик буҳронлар ёки ядровий уруш оқибатларидан асло сўст эмас.

Эндиликда биз шундай дилемма қаршисида турибмиз: ёки биргаликда ҳаракат қилиб, наркобизнесни касб қилиб олган трансмиллий уюшган жиноятчи гуруҳлар ва глобал синдикатлар йўлига ишончли ғов қўямиз, ёки «Аср вабоси» кўламлари ҳозиргидек кенгая бориб, бу офат жумлаи жаҳонни ўз домига тортади, ёруғ дунёдаги ҳаётни юз миллионлаб кишилар учун ҳақиқий дўзахга айлантиради.

Пинҳона наркобизнесга қарши кучларни бирлаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар кейинги йилларда кескин фаоллашганлигининг боиси шунда. Хусусан, наркотик моддалар ноқонуний тарқатилувчи халқаро «сўқмоқлар» чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлаб бу фаолиятни кучайтириш ташаббускорлари сафида бораётир. Катта халқаро анжуманларда, жумладан, БМТнинг Бош ассамблеяларида Юртбошимиз бу борадаги халқаро ҳамкорлик ниҳоятда долзарблигини таъкидлаб, янги-янги таклифларни илгари сураяпти.

Ноқонуний наркобизнесга қарши кураш халқаро хавфсизлик йўлидаги кенг кўламли ҳамкорликнинг етакчи йўналишларидан бирига айланди. Шуни назарда тутиб, Марказий Осиёнинг беш мустақил давлати — Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон ва БМТнинг Наркотик моддаларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси 1996 йилнинг майида Тошкентда муҳим бир ҳужжатни имзолади. «Наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларни ноқонуний ишлаб чиқариш, айлантириш, истеъмол қилишни назорат этиш соҳасида ўзаро англашув ва ҳамкорлик тўғрисида»ги бу меморандумга кейинроқ Россия Федерацияси ва Озарбайжон Республикаси ҳам қўшилди.

БМТ Бош котиби Кофи Аннаннинг Ўзбекистонга 2002 йил октябридаги сафари бу жараённи яна ҳам фаоллаштиришда муҳим янги босқични бошлаб берди. Шу учрашув чоғида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда халқаро кучларни



изчил ва самарали бирлаштириш мақсадларини кўзлаб, Марказий Осиёда минтақавий ахборот-мувофиқлаштириш марказини тузиш ташаббусини илгари сурди. Ўтган йили БМТнинг махсус гуруҳи бу хусусда махсус лойиҳа ишлаб чиқди. 1996 йилги меморандумга қўшилган мамлакатлар ва БМТ вакилларининг шу йилнинг февраль ойи бошларида ўтган еттинчи учрашувида, ниҳоят, Марказий Осиё минтақавий марказини тузиш тўғрисидаги битим имзоланди.

Шу анжуманда БМТнинг Наркотик моддаларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси ижрочи директорининг ўринбосари Сумру Ноян хоним Афғонистон ҳамон халқаро пинҳона наркобизнеснинг таянч нуқтаси бўлиб қолаётганлигини ташвишланиб таъкидлади. Чунончи, ўтган йили бу мамлакатдан 420 тонна героин ва морфий экспорт қилинган. Унинг 100 тоннадан ортиғи Марказий Осиё мамлакатлари, шунча қисми Покистон ва 200 тоннадан кўпроғи Эрон ҳудудлари орқали ташқи дунёга олиб чиқиб кетилган. Кўриниб турибдики, минтақанинг муайян ҳудудлари бўйлаб барпо этилган «Хавфсизлик камари» ҳам глобал наркобизнес йўлида ишончли тўсиқ бўла олмаяпти. Марказий Осиё давлатлари ҳам халқаро террорчилар қўллаб-қувватлаётган наркомафиянинг нишонларидан бири бўлиб қолмоқда. Гиёҳванд моддаларнинг муайян қисми ҳамон «Шимолий йўналиш» — Марказий Осиё мамлакатлари ва Россия орқали Европага олиб ўтилаётир. Шу сабабли минтақавий ахборот-мувофиқлаштириш марказининг тузилиши муҳим аҳамиятга эгаки, у гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашнинг самарали чора-тадбирларини ишлаб чиқади, бу борадаги халқаро ҳамкорликни янада фаоллаштиради.

Бугун халқаро наркобизнеснинг уюшган гуруҳларини фош этишга қаратилган ҳамкорликнинг самараларини кўрсатувчи кўпгина мисолларни келтириш мумкин. Яқинда Россия Федерацияси махсус кучлари халқаро наркобизнеснинг пухта ўйлаб тикланган бир неча каналларини беркитишга муваффақ бўлди. Мураккаб тезкор операциялар халқаро наркобизнеснинг 14 иштирокчисини қўлга олиш ва жиноий жавобгарликка тортиш билан якунланди. Тезкор гуруҳ шу жараёнда жами қиймати 2,5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги 75 килограммга яқин оғуни қўлга туширди.

Кейинги пайтда Россиянинг Саратов вилоятида ҳам йирик героин партияси қўлга олинди. Ҳар бири бир килолик 25 дона полиэтилен пакет Жип юкхонасининг қопламалари орасига яшириб олиб кетилаётган эди. Тергов-суриштирув ишлари пировардида тожикистонлик уч киши Волгабўйи минтақасида наркотикларни тарқатувчи пинҳона манзил барпо этганликлари ойдинлашди. Айни ўша кезлари Сургутда ҳам наркополиция 12 килограммдан кўпроқ соф афғон героинини қўлга туширди. Бу ерда ҳам тожикистонлик уч киши наркотик моддаларни тарқатиш билан шуғулланаётганлиги аниқланиб, жиноятчилар қўлга олинди.

Мамлакатимизда ҳам наркотик моддаларни ноқонуний ишлаб чиқариш ва истеъмол манзилларига етказиб берилишининг олдини олишга қаратилган тадбирлар изчил ўтказиляпти. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1994 йил 30 апрелдаёқ қабул қилган қарор, шунингдек, наркотик моддалар, психотроп воситаларнинг ноқонуний айланиши ҳамда суиистеъмол қилинишига қарши тарбирлар дастури бу ҳаракатларга алоҳида жўшқинлик бағишлади.

Вилоят, шаҳар ва туманларнинг ҳокимликлари давлат чегараларини мустаҳкамлаш, чегара минтақасида назорат ва кузатиш ишларини кучайтиришга алоҳида эътибор билан қарамоқдалар. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар махсус «Қора дори» тадбирлари мобайнида 2004 йили жами 2140, 2005 йили 2097 квадрат метр майдонда таркибида гиёҳванд моддалар мавжуд ўсимликлар ўстирилаётганлигини аниқлаб, йўқ қилди. Ёввойи тарзда ўсаётган нашазорларни йўқ қилишга эътиборсиз мансабдор шахслардан 2004 йили 41, 2005 йили 53 кишига нисбатан тегишли чоралар кўрилди. Тезкор тадбирлар жараёнида наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан 2004 йили 445 та, 2005 йили 395 та жиноят ишлари қўзғатилиб, 82 килограмм 795 грамм гиёҳванд воситалар қўлга олинган.

Фақат ўтган йилнинг муайян муддатида фаолияти катта миқдордаги наркотик моддалар билан боғлиқ 59 та жиноий гуруҳ фош этилган. Умуман, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар аниқлаган 438 та жиноятнинг 298 таси катта миқдорда наркотик моддаларни ноқонуний айлантириш ва сотиш билан боғлиқдир. Вилоятимизнинг Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистон республикалари билан чегарадош ҳудудларида чегара қўшинларининг Тошкент тезкор гуруҳи 2005 йилнинг 6 ойи мобайнидагина 22 та ҳолатда 170 килограмм 209,7 грамм гиёҳванд моддаларни ушлаб, четга олиб чиқиб кетилишининг олдини олган. Бу кўрсаткич 2001 йили 156 килограмм 769,5 граммни ташкил этганлиги эътиборга олинса, халқаро наркобизнес синдекатлари ўз «саъй-ҳаракатлари»ни кучайтираётганликларини пайқаш қийин эмас.

Муаммонинг яна ҳам ташвишланарли жиҳати шундаки, ёшлар орасида гиёҳвандликка ружу қўйиш ортиб бораётир. Героинни шприц орқали томирга юборадиган гиёҳвандлар сони кейинги икки йилда икки баробар кўпайган. Умуман, гиёҳвандларнинг 80 фоизи шу усулдан фойдаланади. Ана шу жиҳат турли ўта юқумли касалликлар тез тарқалишига сабаб бўлиши аллақачон тасдиқланган.

...Саломат Чиноз балиқ бозорида Танядан 10 минг сўмга героин сотиб олди. Уни Янгийўл шаҳрига олиб келиб, 14 та ўрам қилиб қадоқлади. Оғуфурушлик билан шуғулланувчи таниши Ҳанифа унинг 8 ўрамини 20 минг сўмга сотиб олиб, Аркадий исмли гиёҳвандга унинг ярмини 15 минг сўмга пуллади. Тўғри, бу жиноятчилар далилий ашёлар билан қўлга олиниб, қонун бўйича жазоланишди. Лекин бу мисолни келтиришдан кўзлаган мақсадимиз бошқа. Бу ўринда, айтайлик, героиннинг нархи қўлдан-қўлга ўтиши мобайнида қанчалик юқори кўтарилиб бораётганлигини таъкидламоқчимиз. Бинобарин, наркобизнес таҳдиди ҳар жиҳатдан ҳам хавфли. Лекин «Ёки... Ёки...» дилеммасининг кескинлиги фақат шундангина эмас.

Жўрабек МУРОДОВ.

Детектив мухлислари учун

– Савол учун олдиндан узр мистер Воул, сиз хотинингизни яхши кўрасизми?

– Жудаям.

– У-чи?

– О, Ромейн, менга жуда садоқатли, мен учун ҳамма нарсага тайёр.

Воулнинг хотини ҳақидаги мақтовлари мистер Мейхернинг кўнглини кўтарди.

Эрини жону-дилидан яхши кўрадиган аёлнинг кўрсатмаларига ишонса бўлармикан?

– Мисс Воул қайтдиларми?

– Ҳа, бир соат олдин. У сизни қабул қила оладими ёки йўқ, билмадим.

– Мана буни кўрсатсангиз у мени албатта қабул қилади,– деб Мейхерн унга ташриф қоғозини узатди.

Хизматкор аёл унга шубҳа билан қараб, қоғозни олди-ю, адвокатни ҳайрон қолдириб эшикни ёпди. Бироздан сўнг эшикни қайта очган аёл юзида энди бошқача ўзгариш бор эди.

АЙБДОР ГУВОҲ

– Бирон бир одам сизнинг тўққиздан йигирма минут ўтганда қайтганингизни кўрганми? Балки хизматкор кўргандир?

– Бизда келиб-кетадиган хизматкор ишлайди, у соат еттидаёқ ишини тугатади.

– Кўчада бирон тасини учратмадингизми?

– Танишларимдан ҳеч кимни. Фақат йўлдан автобус ўтиб кетди, балки кондуктор эслаб қолгандир.

Мистер Мейхерн бошини чайқади.

– Сизнинг хотинингиз кўрсатмаларини тасдиқлайдиган кимдир борми?

– Йўқ. Менимча бунинг кераги йўқ, шундай эмасми?

– Мен ҳам шундай ўйлайман.

Мистер Мейхерн ўрнидан туриб Воулга қўл узатди.

– Нима бўлишидан қатъи назар, мен сизнинг айбдор эмаслигингизга ишонаман ва буни исботлашга кучимиз етади, деб ҳисоблайман.

Леонард ҳам хурсанд ҳолда:

– Мен ҳам ишонаман, ахир менинг кўрсатмаларим аниқ далилларга асосланган,– деди.

Мистер Мейхерн ҳеч нарса демай ҳонадан чиқиб кетди.

... Воуллар шаҳар четидаги кичик уйларнинг бирида яшашарди, Мейхерн ўша томонга кетди. Эшикни унга ёши ўтинқираган бир аёл очди, бу ўша Воул айтган хизматкор эди.

– Марҳамат, киринг!

Аёлнинг орқасидан эргашган адвокат кичикроқ ошхонага кирди. Унга баланд бўйли, кўркам бир жувон пешвоз чиқди.

– Мистер Мейхерн? Сиз менинг эримнинг иши билан шуғулланасиз-а? Сиз унинг номидан келдингизми? Марҳамат, ўтиринг.

Унинг сўзларидан жувон чет элда туғилганлигини билиш қийин эмасди. Мейхерн унга диққат билан қарар экан, унинг бақувват мускуллари, оқ юзлари, кулиб турувчи кўзларидан кўра кўлларини қимирлатиши эътиборини тортди.

– Муҳтарам мисс Воул, сиз бу масалада жудаям қайғуришингиз керак эмас,– деб сўз бошлаган адвокат унинг ўта хотиржам ҳолатини кўриб ҳайрон қолди. «Қизиқ хотин экан-ку... Тебса-тебранмас... Одамнинг жаҳли чиқади»,– деб ўйлади Мейхерн. Бу аёл билан учрашган биринчи дақиқалариданоқ у ўзини ишончсиз сеза бошлади. Унинг олдида ечилиши қийин бўлган жумбоқ турарди гўё.

Мистер Мейхерн унга эри билан бўлган суҳбат мазмунини гапириб берди. Аёл уни диққат билан эшитиб, ҳар замонда бошини силкитиб қўярди.

– Демак у уйга тўққиздан йигирма минут ўтганда келганини тасдиқлашимни истаяпти, шундайми?

– Ҳа, ахир унинг шу пайтда уйга келганлиги рост-ку...

– Гап бунда эмас. Менинг бу тасдиғимга кимдир ишонадими? Кимдир буни тасдиқлайдими?

Мистер Мейхерн ўзини йўқотиб қўйди. Қаранг, муаммони дарров тушунибди. Бу аёлда қандайдир куч бор...

– Ҳеч ким, – у аёлга қатъий жавоб берди. Ромейн жим ўтирар, лабларидан кесатиқ кулги кетмасди. Мейхерн безовталана бошлади.

– Мисс Воул, биламан сиз эрингизга садоқатли...

– Кечирасиз, нима дедингиз?

Бечора адвокат айтган гапини қайтариб оладигандек:

– Сиз эрингизга садоқатли...

– Бу гапни сизга у айтдими? Қанчалик тўнка бўлади-я бу эркаклар,– деб аёл стулдан шаҳдам турди.

Мейхерн устидан чақмоқ чаққандек бўлди.

– Мен ундан нафратланаман! Эшитяпсизми, нафратланаман! Уни дорга осишларини бир кўрсам эди!

Мистер Мейхерн тилдан қолди, аёл гўё унинг тумшуғи тагида бақирарди.

– Хўш, ўша куни у тўққиздан йигирма минут ўтганда эмас, ўндан йигирма минут ўтганда келди, десам нима бўлади? Унинг васиятномадан хабари бор эди, шунинг учун уни ўлдирди, деб судда айтсамчи?

Унинг кўзлари мистер Мейхернга олов сочарди. Адвокат қийинчилик билан бўлсада ўзини тутиб олди ва қатъий оҳангда деди:

– Сиз эрингизга қарши кўрсатма беришга қодир эмассиз!

– У менинг эрим эмас!

Мейхерн қулоқларига ишонмасди.

– Эрим эмас! – шундай деб аёл хаёлга чўмди... – Мен Венада актриса бўлганман. Эрим бор эди, тирик... фақат жиннихонада. Шунинг учун Воул билан бўлган никоҳимиз ҳақиқий эмас! Мен бундан хурсандман.

– Мен сиздан фақат бир нарсани сўрайман,– деди Мейхерн.– Сиз нима учун мистер Воулга қарши турибсиз?

– Айтмайман, бу менинг сирим бўла қолсин.

Мистер Мейхерн томоқ қириб қўйди.

– Яхши, бу суҳбатимизни давом эттиришдан фойда йўқ. Мен ўз мижозим билан гаплашгандан кейин сизга хабар бераман.

«Собиқ» мисс Воул мистер Мейхернга янада яқинроқ келиб, ундан сўради:

– Айтинг-чи, менинг олдимга келишдан олдин унинг айбдор эмаслигига ишондингизми?

– Ҳа.

– Сизга раҳмим келаяпти, афсус,– кулди аёл.

– Мен ҳозир ҳам бунга ишонаман, хайр.

Йўлда қайтаётган Мейхернинг кўз олдидан Ромейннинг чеҳраси кетмасди. Жуда қизиқ, тушунарсиз ва хавфли аёл!

(Давоми бор).

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Об-ҳаво

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 22 февраль куни Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, бироз ёғингарчилик бўлиши мумкин. Айрим жойларда туман тушади. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 2 даража совуқ билан 3 даража илиқ, кундузи 8-13 даража иссиқ бўлади.

«Тошметроқурилиш» қурилиш бошқармасига қарашли 1-ҚМБга берилган 1700667467 рақамли кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Қуйичирчиқ туманидаги 11-мактаб томонидан 2004 йилда Ахмурадова Руфина Нургалиевна номига берилган O`R-A 0132172 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси жамоаси Янгийўл тумани маданият ва спорт ишлари бўлими мудири **Раҳимжон АДИЛОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-440. Адади 9473. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

Ⓣ белгили материаллар – реклама материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.50. 2 3 4 5 6